

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 9 (1333) • 2020 йил 3 март

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҢДА

Солиқ солишга доир саволлар

2-3-бетлар

Балансда турар жой бор.  
Амортизация харажатлари қилинади

4-бет

Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

5-10-бетлар

Март. Солиқ тўловчининг тақвими

11-12-бетлар

Ваучер бўйича операцияларнинг проводкалари

13-бет

Брюсселда иқлим ўзгариши муаммолари муҳокама қилинди

14-15-бетлар

Ташқи савдони рағбатлантириш йўлида

16-бет

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



### СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

*Ўйгонувчи боғларни кездим,  
Топай дедим қирдан изингни.  
Ёногиндан ранг олган дедим,  
Лолзорга бурдим юзингни.  
Учратмадим аммо ўзингни,  
– Сен баҳорни соғинмадингми..?  
Узоқларда залворли тоғлар,  
Хаёлимни келдилар босиб,  
Кечди қанча интизор чоғлар,  
Васлинг менга бўлмади насиб,  
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,  
– Сен баҳорни соғинмадингми..?  
Унгрларда сакрайди оҳу,  
Наъматакда савва миттижсон,  
Қорликлардан сипқарилган сув,  
Дараларда уради жавлон.  
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон..  
– Сен баҳорни соғинмадингми..?  
Мана, буғун Наврўзи олам,  
Дўстларимга гуллар тутарман.  
Қайларасан, севикли эркем,  
Қўлимда гул, сени кутарман..  
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,  
Сен баҳорни соғинмадингми..?*

Абдулла ОРИПОВ.



## ШАРҲ

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Президентимизнинг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди (24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон), (Хужжатнинг матни «Норма маслаҳатчи» газетасининг мазкур сони хужжатлар пакетида чоп этилмоқда – таҳр.) кўзда тутилган янгиликлар, унинг аҳамияти ва зарурати нима, деган савол кўпчиликини қизиқтирмоқда. Боси, молиявий ҳисоботлар салкам 30 йилдан буюн миллий стандартлар асосида юритиб келинган, ҳеч қандай қийинчилик билмадик-ку, деб ўйлашимиз табиий.

Шундай экан, аввало, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) деганда нима тушунилади ва унинг қандай афзалликлари борлиги тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами, молиявий ҳисоботларнинг тузилишини тартибга солувчи регламент бўлиб, ташқи фойдаланувчилар томонидан бирор-бир ташкилотга нисбатан иқтисодий қарор қабул қилиш учун фойдаланилади. Яъни, оддий мисол тариқасида келтирсак, бу билан хорижий инвесторларни мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотларнинг (компания, корпорация, акциядорлик жамиятлари) акциялари, қимматли қоғозлари ва бошқа турдаги инвестиция жалб қилиши мумкин бўлган моддий бойликларнинг истиқболда ўсиши ёки пасайишини таҳлил

қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлаш мумкин бўлади.

Биз учун афзаллиги эса мамлакатимиздаги йирик корхоналарга халқаро молия бозорларида иштирак этиш имкони яратилишидир. Масалан, республикамиздаги йирик корхоналарнинг чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари томонидан уларнинг акция ва облигацияларини сотиб олиши эвазига ушбу корхоналарга инвестиция киритиш, пировардида корхонани ривожлантириш натижасида Давлат бюджетига тушумнинг ошишига олиб келади.

Президентимизнинг мазкур қарорига биноан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишига ўтиши белгиланган.

Албатта, ҳар қандай ислохотнинг тўғри, ўз вақтида юритилиши кадрлар масаласига, уларнинг сифатига боғлиқ. Шу бос, давлатимиз раҳбарининг қарориди МҲХС бўйича кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, бу борада энг асосийси, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчиларини 2021 йил янрига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли тошширганлиги тўғрисида хужжатга ёҳуд «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (СРА)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (АССА)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (СРА)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларидан бирига эга камда уч нафар мутахассис микдориди МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлаш масаласидир. Ана шу ўта залворли ва долзарб масала ҳал этилса, қўйилаётган вазифа сифати удалланади.

Шунингдек, молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисоби-

нинг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилиши белгилаб қўйилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини омалаштириш ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралади.

Мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига киритиш учун яппи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш, бюджет барқарорлиги, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун эса, чет эл инвестицияларини кўпроқ киритиш муҳим роль ўйнайди.

Шу бос давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори корхоналаримизнинг жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин яратади.

Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,

Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗА.



## СОЛИҚЛАР: ҚАНДАЙ, ҚАЧОН, ҚАНЧА?

Янги Солиқ кодекси билан ишлаш бошлангандан буён у билан боғлиқ бўлган саволлар ҳам кўпайди. Молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ ўқувчиларимизнинг саволларига жавоб беради.

### Норезидентдан ушлаб қолинган фойда солиғи қандай қайтарилади

**?** СКнинг 357-моддасида норезидент даромадларидан тўлов маънасида ушлаб қолинган фойда солиғини қайтариш СКнинг 12-бобида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган. Мазкур бобда халқаро шартномага биноан норезидент даромадларидан олинган фойда солиғини қайтариш учун ҳужжатлар рўйхати мавжуд эмас. Бу ҳолда норезидент қандай ҳужжатларни тақдим этиши лозим?

– Бу янги норма ҳисобланмайди ва 2020 йил 1 январгача амал қилган.

Солиқ агенти солиқ солишдан овоз қилишни ёки пайсатирилган солиқ ставкасини, агар даромад олувчи норезидент Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси тузилган давлатнинг солиқ резиденти бўлса, мустақил равишда қўллаш ҳуқуқига эга. Буни унинг резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга ошириш мумкин (СК 357-м.).

Шу билан бирга, агар тўлов санасида норезидент унинг резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қила олмаган бўлса, у халқаро шартномалар нормалари, жумладан пайсатирилган ставка қўллашни инobatга олган ҳолда ундан ортик

ча ушлаб қолинган солиқни қайтариш юзасидан муурожаат қилишга ҳақли.

Ортиқча ушлаб қолинган солиқ суммаси норезидентга солиқ органларига солиқ агенти орқали берадиган унинг ёзма аризасига кўра солиқ органи томонидан бундай ариза олинган кундан эътиборан 15 кун ичига қайтарилади (СК 103-м.).

Бунда маблағлар солиқ ушлаб қолган солиқ агенти ҳисобварағига тушади. У эса ўз навбатида, уларни чет эл валютасига конвертация қилишни инobatга олган ҳолда норезидентга ўтказди. Бунда курсдаги салбий (ижобий) фарқ солиқ агентининг эмас, балки норезидентнинг зарари (фойдаси) ҳисобланади.

принципи инobatга олинган ҳолда аниқланади.

Оралиқ иш ҳажми суммаси ва унга ҳисобланган ҚҚСга пудратчи ҳар ойда оралиқ маълумотнома-ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади ва уни буюртмачига тақдим этади. Худди шу суммани пудратчи ҳар ойда ҚҚС бўйича ҳисоботда ҳам акс эттиради.

Барча иш ҳажми тугаллангандан кейин пудратчи бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги якуний маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирилади, унда контракт бўйича ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини ўтган ойлarda инobatга олинган оралиқ ҳажмларни айирган ҳолда акс эттиради.

### Ижарадан олинган даромадлардан ҚҚС бозор нархларини инobatга олган ҳолда ундирилади

**?** Юридик шахсларнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан олган даромадларига ҚҚС солиш чоғида давлат мулкни бўйича ижара тўловининг энг кам ставкалари инobatга олинадими?

– Ижарага берувчи ҚҚС бўйича солиқ базасини тарафлар ижара шартномасида белгиланган солиқ киритилмаган ҳолда ижара тўлови суммаси сифатида белгиланган бўлади. Бунда ижара қиймати бозор нархларига тўғри келиши керак.

Давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлиги учун ижара тўловининг энг кам ставкалари маҳаллий ҳокимиятлар белгиланган коэффициентларни инobatга олган ҳолда кўчмас мулк бозоридagi нархлар индикаторларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2020 йилгача ушбу ставкалар энг кам солиқ солинадиган даромад ҳисоб-китоби учун олинадими. Энди эса улардан худди шундай кўчмас мулк учун бошқа ижарага берувчиларнинг нархлари билан бир қаторда бозор нархларини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

Агар битим нархи бозор нархларига тўғри келмаса, солиқ органлари ҚҚС (СК 248-м. 4-қ.) ва бошқа солиқлар (СК 14-м. 5-қ.) бўйича солиқ базасини тузатишлари мумкин.

### ҚҚС бўйича базага тузатиш киритиш

**?** СКнинг 248-моддаси 4-қисмига асосан агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Мазкур норма айнан қайси операцияларга татбиқ этилади?

– Мазкур норма товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича барча операцияларга татбиқ этилади.

Умумий қондага кўра, ҚҚС бўйича солиқ базаси товарлар (хизматлар) битим тарафлари қўллаган нарх (тариф)дан келиб чиқиб, акциз солиғини (акциз солиғи солинадиган товарлар ва хизматлар) инobatга олган ва унга ҚҚСни киритмаган ҳолда реализация қилинадиган қийма-

ти сифатида аниқланади. Бунда, агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли (СК 248-м.).

Солиқ тўловчи бундай қарор юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товланиш қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли.

### Воситачининг фойда солиғи бўйича солиқ базаси қандай аниқланади

**?** Агар комитент норезидент бўлса, воситачи-резидент учун нима фойда солиғи бўйича солиқ базаси ҳисобланади?

– Жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган солиқ солинадиган фойда суммаси солиқ базаси ҳисобланади (СК 295-296-мм.).

Жами даромадга: товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад ва СКнинг

297-моддаси 3-қисмида келтирилган бошқа даромадлар киритилади.

Комитент Ўзбекистон резиденти ёки норезиденти эканлигидан қатъи назар, ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси воситачилик хизматларини реализация қилишдан олинган даромад ҳисобланади.

### Узоқ муддатли контракт бўйича ҚҚСни ҳисоблаш

**?** Корхона – пудратчи буюртмачи билан узоқ муддатли контракт тузди, унга кўра қурилиш муддати 6 ойни ташкил этади. Пудратчи қандай ҳужжатлар асосида бутун қурилиш даври мобайнида ҳар бир ой учун ҚҚС ҳисоблаши лозим?

– Агар ишлар узоқ муддат давомида (бир ойдан кўп) бажарилса ва тузилган контракт шартларида уларни босқичма-босқич топши-

риш назарда тутилмаган бўлса, ҚҚС бўйича солиқ базаси ҳар ойда СКнинг 303-моддасига асосан даромадни бир меъёрда эътироф этиш

### Солиқ агенти норезидентлар даромадлари бўйича қандай ҳисобот топширади

**?** Норезидентларнинг даромадларидан солиқни ушлаб қолган солиқ агентлари томонидан Солиқ кодексининг 339-моддаси 5-қисмига мувофиқ чораклик солиқ ҳисоботи ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан, йиллик солиқ ҳисоботини солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай топшириладими?

– Солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан

олинадиган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботи даромадлар тў-

#### УШБУ СОНДА:

#### ● 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

– Сен баҳорни соғинмадингми?  
1-бет

#### ● ШАРХ

– Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш афзаллиги нимада?  
1-бет

#### ● СОЛИҚ КОДЕКСИНИ ЎРГАНАМИЗ:

– Солиқлар: қандай, қачон, қанча?  
2-3-бетлар

#### ● СОЛИҚ СОЛИШ

– Ҳар қандай харажат ҳам чегирилмайди  
4-бет

#### ● ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идровий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

– ЎЗР ДБҚнинг «Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори  
5-10-бетлар

#### ● СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими  
11-12-бетлар

#### ● АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Темир-терсақка топшириш керак

– Мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисоби

– Ваучер бўйича бўнак тўловлари  
13-бет

#### ● МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

– Ҳамкорликнинг янги уфқлари  
14-15-бетлар

#### ● ТАДҚИҚОТ

– Валюта тизимидаги ислохотлар: импорт-экспорт салоҳиятига таъсир кўрсатиб...  
16-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа маъналарда қўйиштириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



ланган ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай тақдим этилади (СК 355-м. 1-қ.).

Яъни норезидентларнинг даромадлари бўйича ҳисобот ортиб борувчи яқун билан фақат бундай даромадлар тўланган ойлар учун тақдим этилади.

Солиқ агенти ўз фаолияти бўйича фойда солиғи тўловчиси ҳисобланадиган бўлса, фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботини куйидаги муддатларда тақдим этади (СК 339-м. 5-қ.):

- чораклик ҳисоботни – ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай;

- йил яқунлари бўйича ҳисоботни – солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай.

Солиқ агенти ўз фаолияти бўйича айланмадан олинадиган солиқни тўлайдиган бўлса, у айланмадан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботни куйидаги муддатларда тақдим этади (СК 470-м. 3-қ.).

- чораклик ҳисоботни – ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай;

- йил яқунлари бўйича ҳисоботни – ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай.

## Келгуси йил ҳосили харажатлари бўйича ҚҚС қачон ҳисобга олинади

**?** ҚҚС тўловчи фермер хўжалиги 2020 йилги буғдой ҳосили учун 2019 йил октябрда харажат қилган (уруғлик, минерал ўғитлар ва бошқаларни харид қилган). Ушбу харидга доир ҚҚС қачон ҳисобга олинади – 2019 йил октябрда ёки 2020 йилда буғдой сотилаётгандами?

– Харид қилиш пайти – 2019 йил октябрда.

ҚҚС бир вақтнинг ўзида куйидаги шартлар бажарилганда ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасида ҳисобга олинади (СК 266-м.):

- товарлардан (хизматлардан) ҚҚС солинадиган, шу жумладан – ноль даражали ставкада ҚҚС солинадиган реализация қилиш оборотларида фойдаланилганда;

- олинган товарлар (хизматлар) учун ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи тақдим этган, ҚҚС суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган

бошқа ҳужжат расмийлаштирилган ва товарни (хизматни) етказиб берувчи ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганда;

- товарлар импорт қилинган бўлса, бюджетга ҚҚС тўланганда;

- товарлар (хизматлар) чет эллик шахслардан сотиб олинган, бунда уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлса, солиқ агенти бюджетга ҚҚС тўлаганда;

- ноль даражали ставкада солиқ солинадиган товарлар экспорт қилинаётганда чет эллик харидор (тўловчи) экспорт қилинаётган товарлар ҳақини тўлаганини тасдиқловчи банк кўчирмаси бўлганда.

## Импорт қилувчи қачон фойда солиғини тўлашга ўтади

**?** Солиқ кодексига мувофиқ, импорт қилувчилар айланмадан солиқ тўлашга ҳақли эмас. Корхона ўтган йили товарни импорт қилган, бу йил эса ҳали импорт билан шугулланмаган бўлса, қачон фойда солиғини тўлашга ўтиши керак?

– ҚҚС, жорий йилдан эса – фойда солиғини ҳам тўлашга ўтиш тартиби Президентнинг 27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон Фармони билан белгиланган бўлиб, 2019 йил 1 октябрдан амал қилмоқда.

Корхоналар импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтадилар.

Ўтган йили ягона солиқ тўловини тўлаган, жорий йилда эса ҳали товарларни импорт қилмаган бўлсангиз, ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишингизга зарурат йўқ. ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтган бўлсангиз, ўтган пайтингиздан бошлаб 12 ой ўтибгина уларни тўлашдан воз кечишингиз мумкин.

## Инвестициявий чегирмани қўллашга доир

**?** 2020 йилга қадар Ўзбекистонда солиқ солинадиган фойдани ишлаб чиқаришни модернизациялашга, қайта жиҳозлашга, янги технологияларни қуриш ва реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш тарзидаги имтиёз амал қилган. Ушбу имтиёз 2020 йил 1 апрелдан бекор қилинади.

– Мазкур имтиёзни қўллаш тартиби оддий бўлмаган, сабаби:

- бу ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлашни талаб қилар эди;

- камайтириш суммаси солиқ солинадиган фойданинг 30%и билан чекланганди, шу муносабат билан кейинги солиқ даврларига ўтказилган.

Бошқа томондан, харид қилинган асосий воситалар икки марта чегириб ташланган, биринчи марта – фойдани камайтириш ҳисобида, иккинчи марта – амортизация ҳисоблаш орқали.

2020 йилдан бошлаб бир йўла инвестициявий чегирмаларнинг янги тартиби жорий этилмоқда (СК 308-м.).

Инвестициявий чегирма куйидаги миқдорда қўлланилади:

1) янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш харажатларининг, ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминотни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 10%и миқдорда;

2) ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5%и миқдорда.

Инвестициявий чегирма янги технологик ускунани ишга тушириш ёхуд ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини модернизация қилиш, қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилган ҳисобот (солиқ) даврида қўлланилади.

### МИСОЛ. Инвестициявий чегирманинг қўлланилиши

2020 йилнинг январь ойида ишлаб чиқариш корхонаси қиймати 100 000 минг сўм бўлган янги технологик ускунани ишга туширди ва унга амортизация меъёрини 15% миқдорда белгилади. У солиқ солиш мақсадлари учун назарда тутилган йиллик энг юқори нормага тўғри келади (СК 306-м.). Амортизация тўғри қизиқли ҳисоблаш усули билан ҳисобланади.

Корхона 1 февралдан бошлаб амортизация ҳисоблашни бошлайди. 2020 йилнинг 1 чораги учун икки ойлик амортизация харажатларга киритилади:

$$100\,000 \times 15\% / 12 \times 2 = 2\,500 \text{ минг сўм.}$$

Бундан ташқари, корхона ускуна қийматининг 10%и миқдорда бир йўла инвестициявий чегирмани қўллашга ҳақли:

$$100\,000 \times 10\% = 10\,000 \text{ минг сўм.}$$

Шу тариқа, корхона 2020 йилнинг 1 чораги учун фойда солиғи ҳисоб-китобида янги технологик ускунанинг амортизация суммасини харажатларга киритади:

$$2\,500 + 10\,000 = 12\,500 \text{ минг сўм.}$$


**Эътибор беринг!** Мазкур мисолда 2 500 минг сўм миқдордаги амортизация суммаси бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва солиқ солиш мақсадларида харажатларга киритилади. 10 000 минг сўм миқдордаги амортизация суммаси фақат солиқ солиш мақсадларида харажатларга киритилади ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Шу билан бирга, агар инвестициявий чегирма қўлланилганидан кейин солиққа оид зарар кўрилса, корхона уни кейинги йилларга ўтказишга ҳақли.

## Халқаро йўналишларда ташишларга ҚҚС солинмайди

**?** Ўзбекистон – халқаро йўналишларда ташишларда ёқилгидан ҚҚС ундирадиган ягона мамлакат эканлиги рости? Экспертлар Европа ва МХДдаги 20 дан ортиқ мамлакатдаги вазиятини таҳлил қилишди. Уларнинг барчасида ҚҚС ставкаси – 0%. Ўзбекистонда эса ҚҚС юки нархларни 15%га ошириб юборади.

– 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган тартибга асосан, халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинган. Бу Солиқ кодексининг 216-моддасида назарда тутилган.

Янги тахрирдаги Солиқ кодекси кучга кирганидан кейин мазкур норманинг амал қилиши сақланиб қолди. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш куйидагилар реализация қилинганда амалга оширилади (СК 260-м.):

1) ЎзР ҳудудидан олиб чиқилган ғамлаб қўйилган нарсалар. Ҳаво кемаларидан рисоладагидек фойдаланилишини таъминлаш учун зарур бўлган ёқилга ва ЁММ ғамлаб қўйилган нарсалар деб эътироф этилади;

2) халқаро ташишлар билан бевоқифа бўлиқ бўлган хизматлар.

Агар халқаро йўналишларда та-

шишларга солиқ солиш батафсил кўриб чиқилса, ноль ставка бўйича ҚҚС солиш куйидагиларни реализация қилиш чоғида амалга оширилади (СК 263-м.):

1) товарларни халқаро ташиш бўйича хизматларни. Товарларни халқаро ташиш деганда товарларнинг жўнатиш пункти ёки белгиланган пункти Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган тақдирда товарларни ҳаво кемалари, темир йўл транспорти ва (ёки) автотransпорт воситалари орқали ташиш тушунилади;

2) башарти йўловчиларни, почтани ва бағажни жўнатиш пункти ёки белгиланган пункти Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, йўловчиларни, почтани ва бағажни ташиш бўйича хизматларни.

Шу тариқа, Ўзбекистонда халқаро йўналишларда ташишларда ёқилга қийматидан ҚҚС ундирилиши тўғрисидаги ахборот ҳақиқатга тўғри келмайди.

buxgalter.uz сайти материаллари асосида.



## ХАР ҚАНДАЙ ХАРАЖАТ ХАМ ЧЕГИРИЛМАЙДИ

**?** Ташилот балансида турар жой сифатида рўйхатдан ўтказилган квартира мавжуд. Айни пайтда у ижарага берилмаган фойда мавжуд эмас, унда ҳеч ким яшамайди. Шунга қарамай, ташилотда коммунал тўловлар, амортизация сингари унга боғлиқ бўлган харажатлар қилинмоқда. Ушбу харажатлар фойда солигини ҳисоблашда чегиреладиган харажатлар ҳисобланадими?

– Харажатлар даромад олишга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинмаганлиги исботланса, улар фойда солигини ҳисоблашда чегирилмайди.

Солиқ базасини аниқлашда жами даромаддан даромад олиш билан боғлиқ барча харажатлар чегириб ташланади, чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно. Ушбу нормани қўллаш мақсадларида солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг худудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари (СК 333–336-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса – зарарлар) харажатлар деб эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Хар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда куйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тadbиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат килса ва харажатларнинг тadbиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қондаларидан келиб чиқса (СК 305-м. 1-4-қ.).

## ДАРОМАДСИЗ СОЛИҚ БАЗАСИ ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ

**?** Жамиятнинг устав фондиди унинг барча иштирокчилари улшларининг номинал қийматини камайтириш ва ўтган йилги зарарларни қоплаш йўли билан камайтириш солиқ оқибатларини келтириб чиқармайдими?

– Иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин МЧЖ соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам бўлиб қолса, жамият ўз устав фондиди камайтириши шарт. Мазкур ҳолатда жамият устав фондиди соф активлари қийматига мувофиқлаштириш учун камайтиради («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси 4-қисми). Устав фонди Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ камайтирилади.

Жамиятнинг устав фондиди унинг барча иштирокчилари улшларининг номинал қийматини камайтириш ва ўтган йилги зарарларни қоплаш йўли билан камайтириш жамият ва унинг иштирокчилари учун ҳеч қандай солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди. Ушбу операция жамият ва унинг иштирокчилари даромад олишига ва шу тариха солиқ базаси ҳосил бўлишига олиб келмайди.

## ИШ ҲАҚИ ЎЗГАРТИРИЛДИМИ – НАФАҚАНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАНГ

**?** Ҳомиладорлик бўйича касаллик варақаси 2020 йил 1 февралдан очилган. 2020 йил 1 февралдан бошлаб корхонада ходимларнинг маоши оширилган. Ҳомиладорлик бўйича касаллик варақаси қайси маош бўйича ҳисобланади?

– Сизнинг ҳолатда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани ҳисоб-китоб қилиш учун 1 февралга белгиланган маош ҳисобга олинади.

Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ҳисоблаб чиқаришда ойлик иш ҳақи ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган кунгача доимий равишда олиб келинган қўшимча ва устамалари кўшган ҳолда, кунлик ёки соатбай тариф ставкаси ҳисобга олинади (АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 55-банди).

Ҳомиладорлик ва туғиш даврида иш ҳақи ўзгарган бўлса, шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқарилади (Низомнинг 59-банди).

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.

**?** Ёлғиз она икки фарзандни тарбиялайпти – улар 7 ва 8 ёшда. 2018 йилдан бошлаб ҳеч қаерда ишламаган, 2019 йил ноябрдан бошлаб квартирани ижарага беради. Бошқа даромади йўқ. Солиқ кодексига мувофиқ ёлғиз оналарга ЖШДС бўйича имтиёзлар тақдим этилган. Ёлғиз онанинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадига ЖШДС бўйича имтиёзлар қўлланиладими?

## ЖШДС: ЁЛҒИЗ ОНАЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

– Ҳа, қўлланилади. Икки ва ундан ортик 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар жисмоний шахслардан олинанидан даромад солигини тўлашдан қисман (даромадлар бўйича улар олинган ҳар бир ой бўйича 1,41 МҲЭКМ миқдоридан) озод этилади. Бу имтиёз ҳар бир бола учун ФХДЁ органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилди (2007 йилги тахрирдаги СК 180-м. 2-қ. 10-б; янги тахрирдаги СК 380-м. 1, 6-қ. 5-б.).

Мазкур имтиёз унга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътибо-

ран қўлланилади (2007 йилги тахрирдаги СК 180-м. 4-қ.; янги тахрирдаги СК 380-м. 3-қ.). Бинобарин, 2019 йил ноябрдан квартирани ижарага берадиган аёлнинг даромадларига нисбатан 2019 йил ноябрдан бошлаб имтиёз қўлланилади.

Аёлнинг иш жойи мавжуд бўлмаганлиги сабабли ЖШДС бўйича имтиёз яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида қўлланилади (2007 йилги тахрирдаги СК 180-м. 6-қ.; янги тахрирдаги СК 380-м. 5-қ.).

## КОРХОНА АВТОМОБИЛИДАН БЕГОНА ЖИСМОНИЙ ШАХС ФЙДАЛАНГАНДА

**?** Корхона (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) балансида енгил автомобиллар бор. Уларнинг айримлари корхона ходими бўлмаган жисмоний шахслар тасарруфига берилган. Жисмоний шахслар улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадилар.

1. Корхона ходими бўлмаган жисмоний шахсларга автомобиллар берилиши қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?
2. Автомобиль корхона ходими бўлмаган жисмоний шахсларга бепул берилган ҳамда ушбу автомобилдан фойдаланилиши корхонага фойда келтирмаган ҳолларда қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

**1** Корхона ходими бўлмаган жисмоний шахсга хизмат автомобиллари берилиши нотариал тартибда тасдиқланган шартнома (ижара, бепул фойдаланишга бериш ва бошқалар) билан расмийлаштирилади (ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди; АВ томонидан 4.01.2019 йилда 3113-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).



Корхонанинг жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган харажатлари фойда солигини ҳисоблашда чегирилмайдиган харажатлар жумласига киритилади (СК 317-м. 3-б.).

Автомобилни бепул фойдаланиш учун бериш реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади, бундан шундай хизматларни кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно. Ушбу айланма ҚҚС солиш объекти ҳисобланади (СК 239-м. 2-қ. 2-б., 238-м. 1-қ. 1-б.).

Бепул хизмат кўрсатишнинг иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаш шартлари СКнинг 239-моддаси 3-қисмида келтирилган.

Бундан ташқари, енгил автомобилларни ва улар учун ёқилгини харид қилишда тўланган ҚҚС ҳисобга олинмайди (СК 267-м. 2-қ. 1-б.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
Альберт САФИН,  
«Norma» МЧЖ экспертлари.



иккита рақамдан ташқари), 40, 41, 44, 46-графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин, бундан ҳисобланган божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) маълумотларига таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.

## **2-§. БДТни божхона органларида рўйхатга олиш ва расмийлаштириш**

90. Божхона органларига тақдим этилган БДТ дастлабки текширувдан ўтказилади. Бунда БДТда кўрсатилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун божхона органи томонидан рухсат берилганлиги, БДТнинг формати ва тузилиши, декларацияловчи шахснинг ЭРИсининг ҳақиқийлиги, декларацияловчи шахс декларацияловчи шахслар рўйхатида мавжудлиги, декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмаган бўлса бу бўйича унга божхона органи томонидан рухсат берилганлиги божхона органи томонидан текширилади. Дастлабки текширувда хато ва (ёки) камчилик аниқланмаса БДТ рўйхатга олинади.

91. Дастлабка текширувда хато ва (ёки) камчиликлар аниқланса БДТ божхона органи томонидан қайтарилади ва бу ҳақда декларацияловчи шахсга ахборот алмашиш тизими орқали ахборот юборилади.

92. БДТ рўйхатга олингандан сўнг:

БДТ рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун тақдим этилган бўлса – уни расмийлаштириш БЮД расмийлаштирилгунга қадар амалга оширилади;

БДТ расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш учун тақдим этилган бўлса – уч иш куни ичида расмийлаштирилади.

93. БДТ расмийлаштирилгандан сўнг у орқали автоматлашган ҳолда божхона органларининг ахборот тизими томонидан БЮДга тегишли ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилади.

## **9-БОБ. БДТга ЎЗГАРТИРИШ ВА (ЁКИ) ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ЁКИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ**

94. БДТ рўйхатга олингандан сўнг расмийлаштирилгунга қадар божхона органи томонидан хато ва (ёки) камчилик аниқланса БДТ божхона органи томонидан қайтарилади ва бу ҳақда декларацияловчи шахсга ахборот алмашиш тизими орқали хабар юборилади.

Хабарномада БДТдаги хато ва (ёки) камчиликлар, қайтарилган БДТнинг ўрнига янги БДТни тақдим этиш мuddати ҳам баён этилади.

95. Декларацияловчи шахс хабардор этилган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида қайтарилган БДТнинг ўрнига янги БДТни тақдим этиши лозим.

96. Декларацияловчи шахс томонидан рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮД бўйича божхона органига:

янги БДТ белгиланган мuddатда тақдим этиладиган бўлса – божхона органи тақдим этилган янги БДТни мазкур Низом талаблари асосида рўйхатга олади ва дастлабки текширувдан ўтказилади.

янги БДТ бир иш куни давомида тақдим этилмайдиган бўлса – БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БДТ тақдим этилмаган деб ҳисобланади ва БЮД бекор қилинади, мазкур Низомнинг 26-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

97. Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахс томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, БДТ расмийлаштирилгунга қадар мурожаат қилган декларант ёки декларацияловчи шахс томонидан қайтариб олиниши мумкин.

98. БДТ расмийлаштирилгандан сўнг БЮДнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва унда хато ва (ёки) камчилик аниқланган тақдирда уни тузатиш янги БДТни тақдим этиш ҳамда расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

99. БЮДга расмийлаштирилган БДТдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш мазкур Низомга мувофиқ расмийлаштирилган электрон БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишга қўйилган талаблар асосида амалга оширилади.

## **IV БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

100. Битта товар юзасидан такроран қабул қилинган БЮДларни бекор қилиш ёки қайтариб олишда нисбатан хавф даражалари паст бўлган БЮДлар бекор қилинади ёки қайтарилади.

Агар битта товар юзасидан қабул қилинган БЮДларнинг хавф даражалари бир хил бўлса, уларнинг рўйхатга олинган вақти бўйича охирилари бекор қилинади ёки қайтарилади.

101. ТЭДААТда божхона органлари ва декларацияловчи шахслар ўртасида ахборот алмашиш тизими орқали хабарлар билан алмашиш ва бу орқали тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ва қабул қилиб олиш имконияти ДБҚ томонидан таъминланади.

102. ДБҚ декларацияловчи шахсларга ТЭДААТ ва ДБҚ томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар орқали тақдим этилган БДТ ҳамда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган БЮДни юклаб олиш, қозғош шаклини чоп этиш ҳуқуқи ва имкониятини таъминлайди.

103. Қайтариб олинган ёки бекор қилинган БЮДнинг 7-графасидаги рўйхат рақами ҳамда 54-графасида декларацияловчи шахс томонидан БЮДга берилган рақамни бошқа БЮДга бериш тақиқланади.

104. Декларант божхона постининг ёки худудий божхона бошқармасининг БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш бўйича хати юзасидан эътироз билдириб юқори турувчи божхона органига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

105. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

106. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.



# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСINI ЎЗГАРТИРИШ, УНГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 февралда рўхатдан ўтказилди  
рўхат рақами 3220

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис  
М.АЗИМОВ.

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 декабрь  
01-02/15-71-сон.

ЎзР ДБҚнинг  
2019 йил 26 декабрдаги 01-02/15-71-сон қарорига  
ИЛОВА

## БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСINI ЎЗГАРТИРИШ, УНГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ божхона юк декларациясини (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) ўзгартириш, қўшимча киритиш, қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ҳамда бекор қилиш тартибини белгилайди.

### 1 БЎЛИМ. ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ БЮДНИ ЎЗГАРТИРИШ, ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

#### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза** – ваколатли шахснинг БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш бўйича ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаати;

**божхона органи** – БЮДни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш, унга ўзгартириш, қўшимча киритиш бўйича келиб тушган муро-

жаатларни кўриб чиқиш ва тегишли ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ДБҚ деб юритилади), ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси ва божхона постлари;

**божхона қиймати декларацияси** (бундан буён матнда БҚД деб юритилади) – БЮДнинг ажралмас қисми бўлиб, товарнинг божхона қиймати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва декларацияловчи шахс томонидан божхона органига БЮД билан бир пайтда топшириладиган ҳужжат;

**БЮДни тузатиш шакли** (бундан буён матнда БДТ) – ДБҚ томонидан белгиланган формат ва тузилишга мувофиқ тайёрланган БЮД ҳамда БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳақидаги электрон ҳужжат;

**БЮДдаги хато** – божхона расмийлаштируви учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ва (ёки) божхона

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 10.02.2020 йилда расман эълон қилинган ва 11.05.2020 йилдан кучга киради.



органларида мавжуд ахборот билан БЮД ва (ёки) БҚДдаги маълумотлар орасидаги тафовут, шунингдек БЮД ёки БҚД графаларидаги нотўғри маълумотлар;

**БЮДдаги камчилик** – божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган маълумотларнинг етишмаслиги ёки БЮД билан бирга тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар;

**БЮДга ўзгартириш киритиш** – БЮД ва (ёки) БҚДдаги маълумотларга ўзгартиришлар киритиш;

**БЮДга қўшимча киритиш** – БЮД ва (ёки) БҚДга янги маълумотларни киритиш ёхуд тегишли ҳужжатларни қўшиш;

**БЮДни қайта расмийлаштириш** – расмийлаштирилган қўроз шаклидаги БЮДни бекор қилиб, унинг ўрнига янги БЮДни расмийлаштириш;

**БЮДни қайтариб олиш** – БЮДни божхона органида рўйхатга олинганидан сўнг уни қайтариш орқали юридик кучга эга ҳужжат сифатида амал қилишини тўхтатиш;

**БЮДни бекор қилиш** – БЮДни божхона органида рўйхатга олинганидан сўнг бекор қилиш орқали юридик кучга эга ҳужжат сифатида амал қилишини тўхтатиш;

**декларант** – товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи шахс ёхуд унинг номидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари декларацияланаётган шахс;

**декларацияловчи шахс** – божхона органларига БЮДни ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки БЮДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс;

**декларацияловчи шахслар рўйхати** – декларант томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг «Декларацияловчи шахслар рўйхати» интерактив хизматида (дан) қўшиш ва чиқариш йўли билан шакллантириладиган декларацияловчи шахслар рўйхати;

**расмийлаштирилган БЮД** – божхона органи томонидан рўйхатга олинган ва «D» графасига божхона органининг тегишли белгилари қўйилган БЮД;

**рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮД** – божхона органи томонидан БЮДнинг 7-графасига БЮД рақами ва қабул қилинган сана кўрсатилган, аммо «D» графасига божхона органининг тегишли белгилари қўйилмаган БЮД;

**товарларни электрон декларациялашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими** (бундан буён матнда ТЭДААТ деб юритилади) – вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларининг алоқасини таъминловчи дастурий-техник воситалар комплекси;

**электрон шаклдаги БЮД** – декларацияловчи шахснинг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) билан тасдиқланган, ДБҚ томонидан белгиланган шаклда ТЭДААТ воситасида электрон ҳужжат кўринишида тақдим этилган БЮД;

**ахборот алмашиш тизими** – ахборот тизимлари орқали ЭРИдан фойдаланган ҳолда божхона органлари ва

декларацияловчи шахслар ўртасида электрон хабарларни алмашиш, тегишли ҳужжатларни тақдим этиш ва қабул қилиб олиш воситаси;

**янги БДТ** – декларацияловчи шахс томонидан божхона органига тақдим этилиб рўйхатга олинмаган ёки аввал рўйхатга олинган БДТдаги хато ва камчиликларни бартараф этиш учун тақдим этилган БДТ;

**янги БЮД** – декларацияловчи шахс томонидан божхона органига тақдим этилиб рўйхатга олинмаган ёки аввал рўйхатга олиниб, ундаги хато ва камчиликлар бартараф этилиб, қайта тақдим этилган БЮД;

**қайта расмийлаштирилган БЮД** – янги БЮД расмийлаштирилиб, юридик кучга эга ҳужжат сифатида амал қилиши тўхтатилган аввалги БЮД;

**худудий божхона бошқармалари** – ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

**ДБҚнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими** – божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга ошириш учун уларга доир ҳужжатлар ва маълумотларнинг киритилишини, ҳисобга олинишини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи ДБҚнинг автоматлаштирилган тизими.

2. Божхона расмийлаштируви тугалланганидан ва товарлар муайян божхона режимида жойлаштирилганидан кейин БЮД қабул қилинган кундан эътиборан уч йил ичида БЮДга божхона органининг талаби билан ёки ваколатли шахснинг аризасига кўра, мазкур Низом талаблари асосида ўзгартириш, қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёхуд бекор қилиш мумкин.

Агар божхона органи декларант ёки божхона брокери томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, БЮД товарлар чиқариб юборилгунига қадар декларант ёки божхона брокери томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Олиб чиқилаётган товарларга доир БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат берилганидан кейин ҳам, лекин улар амалда олиб чиқилгунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

3. Божхона органига келиб тушган ариза Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабалари тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасида белгиланган муддатда кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича аризага ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб берилади. Жавоб хати божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

4. Божхона органи аризани тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

5. Электрон БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш декларацияловчи шахс томонидан божхона органига БДТ тақдим этиш орқали мазкур Низом талаблари асосида



мотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган бўлса, графада «1/1» кўрсатилади;

агар БЮДнинг фақат иккинчи товаридagi тегишли маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган бўлса, графада «1/2» кўрсатилади;

БЮДга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар унинг товарга оид қисмига (масалан, БЮДнинг 3, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47-графаларига) таъсир этмаса графанинг ўнг ва чап бўлмаларида «0» рақамлари кўрсатилади.

6) «А» графа.

Графада БЮДнинг ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графаси ёки махсус код кўрсатилади:

а) агар ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графалар сони бир нечта бўлса уларнинг барчаси кўрсатилади.

Масалан:

11, 20, С;

б) БЮДнинг товарга оид қисмига (масалан, БЮДнинг 3, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47-графаларига) ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётганда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графадан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графаларга оид товарнинг тартиб рақами кўрсатилади;

Масалан:

11, 20, С, 46/1, 46/2, 42/2.

БДТда электрон шаклдаги тузилишига асосан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графаларнинг ҳар бири ҳеч қандай ажратиб турувчи белгилар қўйилмасдан алоҳида ажратилган майдончаларда кўрсатилади. Ҳарфли графалар лотин алифбосида қайд этилиши лозим;

в) БЮДга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар БЮДнинг 5-графасидаги товарлар сонига таъсир этса ёки 32-графаси ўзгартирилаётган бўлса бундай ҳолатларда графада «60» коди кўрсатилади;

г) Расмийлаштирилган битта БЮДдаги товарлар бир нечта БЮД билан расмийлаштирилиши лозим бўлган, БЮД қисмларга бўлинаётган ёки акси бўлган ҳолатларда «61» коди кўрсатилади ва «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда БЮДнинг шартли тартиб рақами («1» рақамидан бошлаб ўсиш тартибида) кўрсатилади.

Масалан битта БЮДдаги товарлар бўйича иккита БЮД расмийлаштирилиши лозим бўлганда:

дастлаб тақдим этиладиган БЮДга «61/1»;

кейинги тақдим этиладиган БЮДга «61/2» кўрсатилади.

БЮД қисмларга бўлинаётган ҳолатларда биринчи қисмга тегишли БЮДнинг рўйхат рақами дастлабки БЮДнинг тартиб рақами билан бир хилда шаклланади. Кейинги қисмларга тегишли БЮДнинг рўйхат рақами божхона органи томонидан шакллантирилади;

д) БЮДнинг графаларига ўзгартириш киритилмасдан фақат БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш киритилаётган ҳолатларда графада «62» коди кўрсатилади.

7) «D» графа.

Графа божхона органи томонидан тўлдирилади ва графада божхона органининг БДТга нисбатан қабул қилган қарори ҳақидаги божхона органи белгилари (ёзувлари) кўрсатилади. Божхона органи белгилари (ёзувлари) божхона органи ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

## **8-БОБ. БДТНИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ, БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА РҲЙХАТГА ОЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **1-§. БДТНИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ**

86. БЮДнинг асосий варағига ёки битта товарига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарур бўлганда, мазкур Низомнинг 1-иловасига\*\* мувофиқ БДТнинг асосий варағи, БЮДнинг бир нечта товарларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётганда эса БДТнинг асосий варағига қўшимча равишда мазкур Низомнинг 2-иловасига\*\* мувофиқ БДТнинг қўшимча варағи тақдим этилади.

БДТ божхона органларига белгиланган формат ва тузилишга мувофиқ тақдим этилиши лозим.

87. Декларацияловчи шахс БДТни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва божхона органларига электрон шаклда ТЭДААТ орқали божхона органига юборади.

88. Декларант томонидан декларацияловчи шахслар рўйхатига декларацияловчи шахс ёки божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс тўғрисидаги маълумотлар киритилиши ҳамда унинг божхона органларига БДТни тақдим этиш ваколати муддати кўрсатилиши керак, бундан хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари мустасно.

Агар БДТ хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари номидан тақдим этилса божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёки бошқа шахс тўғрисидаги маълумотлар декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмайди.

89. Божхона органида асосланган сабабларга кўра, мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар юзга келиб, божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд бўлганда, ҳудудий божхона бошқармасининг рухсати билан БДТ декларацияловчи шахслар рўйхатига киритилмаган декларацияловчи шахс томонидан тақдим этилиши мумкин.

Бунда электрон БЮДнинг фақат 2 (шахснинг СТИРи), 8 (шахснинг СТИРи), 9 (шахснинг СТИРи), 11, 13, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 23, 24, 25, 26, 29, 37 (биринчи

\*\*Низомга 1–2-иловалар «СБХ»да берилмайди. Хужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.



80. БЮД бекор қилинаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагональ бўйича «БЕКОР ҚИЛИНДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида бекор қилинганлиги кўрсатилади.

81. Қайта расмийлаштирилган ёки бекор қилинган БЮДнинг барча нусхалари божхона органида сақланади, бундан экспорт божхона режимида юк мўлжалланган мамлакатга юбориш учун тайёрлаб берилган нусха мустасно.

### III БЎЛИМ. БДТНИ ТЎЛДИРИШ, ТАҚДИМ ЭТИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ, ТУЗАТИШ КИРИТИШ ЁКИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ

#### 6-БОБ. БДТНИ ТЎЛДИРИШ

82. Декларацияловчи шахс томонидан БДТнинг 1, 2, 7, 8, 9, 10, 14, 27, 32, 50, 54, «А» графалари билан бирга фақат БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган графалари тўлдирилади.

БДТнинг 1, 2, 8, 9, 14, 50, 54-графалари ва БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган графалари Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) белги-ланган тартибда мувофиқ тўлдирилади.

БДТнинг 7, 10, 27, 32, «А», «D» графалари мазкур Ни-зомнинг 85-бандига мувофиқ тартибда тўлдирилади.

83. БЮДнинг 1, 2, 8, 9, 10, 14, 50, 54-графаларига ўз-гартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган тақдирда, БДТнинг «А» графасида ўзгартириладиган графалар рўйхати кўрсатилади ва ушбу графалари ўз-гартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилган ҳолда тақдим этилади. Мазкур графаларга ўзгартириш ва (ёки) қўшим-чалар киритиш лозим бўлмаганда, БЮДнинг тегишли графаларидаги маълумотлар такрорланади.

84. Йўриқнома талабларига мувофиқ БЮДнинг тўлдири-лиши мажбурий бўлган барча графалари БДТда қуйидаги ҳолатларда тўлдирилади:

БЮДга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар БЮДнинг 5-графасидаги товарлар сонига таъсир этса ёки 32-графаси ўзгартирилаётган бўлса;

расмийлаштирилган битта БЮДдаги товарлар бир нечта БЮДлар билан расмийлаштирилиши лозим бўлган, БЮД қисмларга бўлинаётган ёки акси бўлган ҳолатларда.

85. БДТнинг 7, 7а, 10, 27, 32, «А», «D» графалари қуй-идаги тартибда тўлдирилади:

1) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши лозим бўлган БЮДнинг 7-графасидаги БЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади;

2) 7а-графа. «БДТнинг рўйхат рақами».

Графа божхона органи томонидан қуйидаги тартибда тўлдирилади:

99999 / 99.99.9999 / 9999999

1 2 3 4 5

1-элемент – БДТ рўйхатга олинган божхона постининг Йўриқноманинг 4-илловасидаги Божхона постлари тасниф-логичига мувофиқ бешта белгили коди;

2, 3 ва 4-элементлар – БДТ рўйхатга олинган кун, ой ва йил;

5-элемент – тегишли божхона органи томонидан рўй-хатга олинган БДТнинг тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибда, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошлана-ди). БДТнинг тартиб рақами қайтарилмаслиги лозим;

3) 10-графа.

Графанинг чап бўлмасида киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар турининг иккита рақамли коди кўр-сатилади:

«01» – божхона органи томонидан аниқланган ҳолатлар асосида бўлса;

«02» – декларант ёки декларацияловчи шахснинг му-рожаати асосида бўлса;

«03» – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бо-шқа идоралар томонидан ўтказилган текширув натижалари асосида бўлса.

Графанинг ўнг бўлмасида божхона тўловлари ва божхо-на тўловларидан берилган имтиёзларга таъсир турининг иккита рақамли коди кўрсатилади:

«01» – ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тў-ловларидан берилган имтиёзларига таъсир этмасдан фақат тўланиши учун ҳисобланган божхона тўловларига таъсир этса;

«02» – ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар тўланиши учун ҳисобланган божхона тўловларига таъсир этмасдан фақат божхона тўловларига берилган имтиёзларига таъсир этса;

«03» – ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар тўланиши ва имтиёз қўлланилиши учун ҳисобланган божхона тўловла-рига таъсир этса;

«04» – ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар тўланиши ва имтиёз қўлланилиши учун ҳисобланган божхона тўловла-рига таъсир этмаса;

4) 27-графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» – агар БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилмаётган бўлса;

«1» – агар БҚДдаги маълумотларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилмаётган бўлса.

5) 32-графа.

Графанинг чап бўлмасида БДТдаги товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

БДТда битта номдаги товарга оид маълумотлар кўрсатилган бўлса, графада «1» рақами кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида БЮДдаги ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Масалан:

агар БЮДнинг биринчи товаридagi тегишли маълум-



амалга оширилади, зарур ҳолларда БҚД ёки тегишли хужжатлар БДТга илова қилинади.

Божхона органлари томонидан декларацияловчи шахсдан ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилаётган БЮДда мавжуд хужжатларни такроран БДТга илова қилиниши талаб этилмайди, сифатсиз (хира, бўялган, тушунарсиз ва ҳ.к.) хужжатлар бундан мустасно.

БДТ ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилган электрон БЮДнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Электрон БЮД ёки БҚД графаларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш талаб этилмасдан божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган тегишли хужжатлар тақдим этиш лозим бўлган тақдирда, декларацияловчи шахс божхона органларига хужжатларни ТЭДААТ ёки ДБҚ томонидан кўрсатиладиган тегишли интерактив хизматлар орқали тақдим этади.

6. Қоғоз шаклдаги БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш БЮДнинг барча нусхаларидаги тегишли графаларига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш ёхуд уни қайта расмийлаштириш орқали мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

7. БЮДнинг фақат божхона органи томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш киритиш зарур бўлган тақдирда, ўзгартириш киритиш божхона органи ходими томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри (электрон БЮДда ЭРИ) билан тасдиқланади. Божхона органи томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш киритилганлиги ҳақида декларант ёки декларацияловчи шахс ёзма шаклдаги хат ёки ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилинади.

8. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, бекор қилиш ёки қайтариб олиш куйидаги ҳолларда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади:

божхона расмийлаштируви жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда;

божхона қиймати ва (ёки) божхона тўловлари суммасини тўғрилаш зарурати юзага келганда;

товарларни ташишга мўлжалланган транспорт воситалари техник жиҳатдан носоз бўлганда;

экспорт божхона режимида расмийлаштирилган товарлар уларни олиб чиқишга рухсат берилган санадан сўнг автотранспорт воситаси ташувида ўн кунга қадар, бошқа

транспорт воситалари ташувида йигирма кунга қадар олиб чиқилмаган ҳолатларда;

БЮД ёки унинг бир қисми бўйича расмийлаштирилган товарга эгалик қилиш ҳуқуқи ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа субъектига берилганида, бундан экспорт ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида расмийлаштирилиб, контракт (шартнома, келишув) шартлари тўлиқ бажарилган ва (ёки) шартли чиқарилмаган товарлар, шунингдек товардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 96-моддасига кўра божхона омбори божхона режимида жойлаштирилган товарни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар мустасно;

контракт (шартнома, келишув) шартлари ўзгарганда, бундан экспорт ёки эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида расмийлаштирилиб, контракт (шартнома, келишув) шартлари тўлиқ бажарилган ва (ёки) шартли чиқарилмаган товарлар, шунингдек товардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган ҳолатлар мустасно;

БЮД расмийлаштирилгандан сўнг, ундаги товарлар бўйича тузилган контрактларга қўшимча келишувлар киритилиб, уларга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар, хорижий ҳамкорлар ва уларнинг рекузитлари ўзгарган тақдирда;

битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолат аниқланганда;

БЮДга ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш учун асос бўладиган ҳамда тақдим этилган хужжатлар билан тасдиқланган, қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳолларда.

## 2-БОБ. РЎЙХАТГА ОЛИНИБ, РАСМИЙЛАШТИРИЛМАГАН ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ БЮДГА ЎЗГАРТИРИШ, ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА (ЁКИ) БЕКОР ҚИЛИШ

### 1-§. Декларацияловчи шахснинг муурожаатига асосан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш

9. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи-тўртинчи ва унинг хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

10. Куйидаги ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тақиқланади:

## РЕКЛАМА



# «СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таб.п.маржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДда маълум қилинган товарларга нисбатан ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар талаб қилиниб, бу бўйича текширув якунига етмаган бўлса;

БЮДда маълум қилинган товарларни боғжона кўригидан ўтказиш белгиланиб, бу жараён якунига етмаган бўлса;

БЮДдаги товарларни боғжона экспертизасидан ўтказиш тайинланиб, бу жараён якунига етказилмаган бўлса.

11. Рўйхатга олинб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда, декларацияловчи шахс БЮД рўйхатга олинган боғжона органига ахборот алмашиш тизими орқали мурожаат қилади. Мурожаатда боғжона органи томонидан берилган БЮДнинг рўйхат рақами, мазкур БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

12. Боғжона органи бир иш куни ичида БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича мурожаатни кўриб чиқади ва натижаси бўйича ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилади.

13. Боғжона органи томонидан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд деб топилганда, ахборот алмашиш тизимида қўшимча равишда БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликлар бўйича тақдим этилиши лозим бўлган БДТ ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳужжатлар ҳамда уларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

14. БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати декларацияловчи шахс ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилинган қундан кейинги иш куни якунига қадар этиб белгиланади.

15. Декларацияловчи шахс томонидан боғжона органига:

БДТ ахборот алмашиш тизимида баён этилган муддатда тақдим этилганда, боғжона органи тақдим этилган БДТни мазкур Низомда белгиланган тартибда рўйхатга олади;

тегишли ҳужжатлар ахборот алмашиш тизимида баён этилган муддатда тақдим этилганда, боғжона органи тақдим этилган ҳужжатни қабул қилиб олади, бундан талаб этилмаган (асоссиз тақдим этилган) ёки сифатсиз (ҳира, бўялган, тушунарсиз ва ҳ.к.) ҳужжатлар мустасно.

БДТ ёки тегишли ҳужжатлар ахборот алмашиш тизимида белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, боғжона органи БЮДни бекор қилади, бундан мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

16. Боғжона органи мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмас деб топса, БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритишни рад этишга ҳақли.

Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари ахборот алмашиш тизими орқали маълум қилинади.

17. Рўйхатга олинб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан декларант ариза билан БЮД рўйхатга олинган боғжона органига мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда боғжона органи томонидан аризани кўриб чиқиш, ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд эмас деб топилганда, аризага ўзининг асосланган жавоб хатини юбориши лозим.

## 2-§. Боғжона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш

18. Рўйхатга олинб, расмийлаштирилмаган БЮДга боғжона органи ташаббуси билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи-тўртинчи ҳамда ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

19. Мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тақиқланади.

20. Боғжона органи томонидан аниқланган БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш зарур бўлганда, боғжона органи декларацияловчи шахсни ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилади. Бунда боғжона органи БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликлар тўғрисида аниқ маълумотлар ҳамда уларни бартараф этиш учун тақдим этиладиган БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати кўрсатилиши шарт. БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати мазкур Низомнинг 14-бандига асосан белгиланади.

21. Боғжона органи тақдим этилган БДТни рўйхатга олиш, тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ёки БЮДни бекор қилиш мазкур Низомнинг 15-бандига мувофиқ амалга оширилади.

## 3-§. Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДни қайтариб олиш

22. Рўйхатга олинб, расмийлаштирилмаган БЮДни қайтариб олиш учун декларант БЮД рўйхатга олинган боғжона органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд деб топилса, бир иш куни давомида ДБҚнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида БЮД қайтарилади.

23. Боғжона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни қайтаришни рад этишга ҳақли. Бунда рад этишнинг асосланган сабаблари ёзма ёки электрон шаклда аризага маълум қилинади.

24. БЮДни қайтариб олиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳолларда;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган БЮД бўйича иш кўриб чиқилиб, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган қарори чиққунга қадар.



ларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юборади.

Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

### 3-§. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш

72. Декларант ёки декларацияловчи шахс божхона органининг БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш бўйича хатини олгандан сўнг беш кундан кечиктирмай қуйидагилардан бирини амалга ошириши лозим:

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш учун божхона органига БЮД ва унга тегишли ҳужжатларни тақдим этиши;

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш учун БЮД ва унга тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса ёки БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш учун асос мавжуд эмас деб ҳисобласа, бу ҳақида ёзма равишда божхона органига ўзининг асослангирилган хатини юбориши лозим.

73. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш киритиш БЮДнинг барча нусхаларидаги тегишли графалари матнини «X» белгиси билан ўчириш ва янги матнни ёзиш, қўшимча киритиш эса тегишли графага қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан амалга оширилади. БЮДнинг ўзгартириш ва қўшимча киритиш лозим бўлган графаларида ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш учун етарли жой бўлмаган тақдирда, киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча ҳақидаги ёзув БЮДнинг орқа томонига қайд қилинади.

Бунда БЮД нусхаларининг орқа томонида ким томонидан, қачон, нимага асосланиб, қайси графада ва нима ўзгартирилганлиги ҳақида ёзув қайд қилинади. Ёзув ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритган декларацияловчи шахснинг имзоси, божхона органи ходими имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

74. БЮДнинг фақат божхона органи томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш ва (ёки)

қўшимчалар киритиш зарур бўлган тақдирда, ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш божхона органи томонидан амалга оширилади ҳамда божхона органи ходими имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

75. БЮДга киритилган ўзгартиришларнинг умумий сони (тўлдириш вақтида декларацияловчи шахс томонидан киритилган ўзгартиришлар билан бирга) тўрттадан ошган тақдирда, мазкур БЮД қайта расмийлаштирилади.

76. БЮД қайта расмийлаштирилганда қайта расмийлаштирилган БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагональ бўйича «ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида қайта расмийлаштирилганлиги кўрсатилади.

Бунда янги БЮДга қайта расмийлаштирилган аввалги БЮДнинг рўйхат рақами ва юк чиқариш санаси берилади. Янги БЮДнинг 50-графасида БЮДни қайта расмийлаштиришга асос бўлган ҳужжат рақами ва унинг санаси кўрсатилади. Ушбу графада етарли жой бўлмаган тақдирда бундай ёзув БЮДнинг орқа томонига қайд қилинади.

77. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш декларацияловчи шахс томонидан БЮД ва унга тегишли зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кун ичида божхона органи томонидан амалга оширилади.

78. Декларант ёки декларацияловчи шахс асосланган сабабларга қўра БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БЮД тақдим қила олмаса, божхона органи томонидан мустақил равишда божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш (ва) ёки қўшимча киритилиши мумкин, бундан киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) маълумотларига таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.

Божхона органи БЮДга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳақидаги асослангирилган хатни декларантга юбориши шарт, бундан декларант фаолияти тугатилган ҳолатлар мустасно.

79. БЮД қайтарилётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчакдан бошлаб диагональ бўйича «ҚАЙТАРИЛДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида қайтарилганлиги кўрсатилади.

## «ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

*Жавобларни [port.uz](http://port.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскасида топасиз.*

*Саволларни қуйидагича бериш мумкин:*

- ✓ аввал [port.uz](http://port.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишида жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



рад этишнинг асосланган сабаблари аризагачи ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

Агар аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд деб топилса, божхона органи ходими томонидан БЮД қайтариллади.

61. БЮД қайтарилмаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчақдан бошлаб диагональ бўйича «ҚАЙТАРИЛДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида қайтарилганлиги кўрсатилади.

#### **4-§. БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш**

62. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш белгиланган муддатда БЮДдаги хато ва камчиликлар бартараф этилмаган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин, бундан мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

63. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДни бекор қилиш унга берилган рўйхат рақамини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахс хабардор этилади.

БЮД бекор қилинаётганда божхона органи ходими томонидан мазкур БЮДнинг барча нусхаларида пастки чап бурчақдан бошлаб диагональ бўйича «БЕКОР ҚИЛИНДИ» ёзуви қайд қилинади. Нусхаларнинг орқа томонида мазкур БЮД ким томонидан ва нима асосида бекор қилинганлиги кўрсатилади.

#### **5-БОБ. РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН ҚОҒОЗ ШАКЛДАГИ БЮДГА ЎЗГАРТИРИШ ВА (ЁКИ) ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

##### **1-§. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш бўйича ариза бериш ва уни кўриб чиқиш**

64. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи—саққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

65. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ҳамда 24-банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда таққиланади.

66. БЮДни бекор қилиш фақат битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилади.

67. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, олиб чиқилмаётган товарлар бўйича БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат берил-

ганидан кейин ҳам, лекин улар амалда олиб чиқилганига қадар қайтариб олиниши мумкин, бундан мазкур Низомнинг 24-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

68. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш талаб этилганида декларант ариза билан:

муружаат этилмаётган йилда расмийлаштирилган БЮДга божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ бўлмаган (экспорт шартномалари бўйича олиб чиқилган товарнинг халқаро товар биржаларида қиймати ўзгариши сабабли божхона тўловлари суммаларини қайтариш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно) ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш ёки уни қайта расмийлаштириш юзасидан БЮД рўйхатга олинган божхона пости бошлиғига;

мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилмаган бошқа ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш юзасидан БЮД расмийлаштирилган ҳудудий божхона бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда муружаат қилади.

Аризада БЮДнинг рўйхат рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади ва аризага буни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда БЮДнинг божхона брокери ва декларант учун тайёрлаб берилган дастлабки расмийлаштирилган асл нусхалари илова қилинади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик аризаги зиммасига юклатилади.

69. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмас деб топса, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ёки бекор қилишни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризагачи ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

##### **2-§. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш бўйича божхона органи томонидан аниқланган ҳолатларни кўриб чиқиш**

70. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Божхона органи ташаббуси билан БЮДни бекор қилиш битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

71. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш ёки бекор қилиш лозим деб топилганда божхона органи бу ҳақда декларант ёки дек-



#### 4-§. БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

25. Рўйхатга олинб, расмийлаштирилмаган БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати аниқланганда ёки хато ва камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатлар мазкур Низомнинг 14-бандида белгиланган муддатда тақдим этилмаганда амалга оширилиши мумкин.

26. Божхона органи ташаббуси билан БЮДни бекор қилиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолларда;

БЮД илгари расмийлаштирилган муваққат, тўлиқ бўлмаган, даврий ва дастлабки БЮДлар бўйича тақдим этилганда.

27. Битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати аниқланганда, божхона органи бу ҳақда декларацияловчи шахсни ахборот алмашиш тизими орқали хабардор қилади.

28. Декларацияловчи шахс хабарнома келиб тушган кундан кейинги иш куни якунига қадар аниқланган ҳолат бўйича божхона органига батафсил тушунтириш бериши лозим.

29. Битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати тасдиқланганда ёки мазкур Низомнинг 28-бандида белгиланган муддатда тушунтириш берилмаганда БЮД божхона органи томонидан бекор қилинади, бундан мазкур Низомнинг 26-бандида белгиланган ҳоллар мустасно.

БЮД бекор қилинганда, божхона органи бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахсни хабардор қилади.

#### 3-БОБ. РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ БЮДга ЎЗГАРТИРИШ ВА (ЁКИ) ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

##### 1-§. Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш

30. Расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш декларант ёки унинг номидан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тўғрисидаги ишонч-

номаси асосида декларацияловчи шахс аризасига асосан мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

31. Мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида ва 24-банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тақиқланади.

32. БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш учун декларант ёки декларацияловчи шахс:

муурожаат этилаётган йилда расмийлаштирилган БЮДга божхона тўловлари суммаларини қайтариш ёки экспорт шартномалари бўйича олиб чиқилган товарларнинг халқаро товар биржаларида қиймати ўзгариши сабабли унинг қиймати ва божхона тўловлари суммалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан БЮД рўйхатга олинган божхона пости бошлиғига; мазкур банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилмаган бошқа ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан БЮД расмийлаштирилган ҳудудий божхона бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ёзма ёхуд электрон шаклда ариза билан муурожаат қилиши лозим.

Аризада БЮДнинг рўйхат рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш заруриятининг аниқ сабаблари кўрсатилади ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрчилиги учун жавобгарлик аризаچи зиммасига юклатилади.

33. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асослар мавжуд эмас ёхуд тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмас деб топса, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризаچига ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

34. Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун асосли деб топса, БЮДдаги хато ва (ёки) камчиликларни бартараф этиш бўйича БДТ ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан аризаچига ёзма ёки электрон шаклда жавоб хатини юборади.

Декларант ёки декларацияловчи шахс БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича жавоб хатини

## РЕКЛАМА

**ORMA**

**«КИЧИК ҚОРҲОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талеймаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz



олгандан сўнг беш кундан кечиктирмай божхона органига БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим этиши керак.

БЮДга ўзгартириш ёки қўшимча киритиш учун БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса, бу ҳақида ёзма ёки электрон равишда божхона органига ўзининг асосланган хатини юбориши лозим.

## 2-§. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш

35. Божхона органи ташаббуси билан расмийлаштирилган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

36. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда, божхона органи бу ҳақида декларант ва (ёки) декларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юборади.

Божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсдан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш юзасидан қўшимча ҳужжат ва маълумотларни ҳамда ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мумкин.

37. Божхона органи томонидан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш бўйича божхона органининг хатини олгандан сўнг декларант ёки декларацияловчи шахс беш кундан кечиктирмай қуйидагилардан бирини амалга ошириши лозим:

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун божхона органига БДТ ва (ёки) тегишли ҳужжатларни тақдим этиши;

БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БДТ ёки тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаса ёки БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун зарурат йўқ деб ҳисобласа, бу ҳақида ёзма ёки электрон шаклда божхона органига ўзининг асосланган хатини юбориши.

38. Декларант ёки декларацияловчи шахс асосланган сабабларга кўра БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш учун БДТ тақдим қила олмаса, божхона органи томонидан мустақил равишда божхона мақсадлари учун БЮДга ўзгартириш (ва) ёки қўшимча киритилиши мумкин, бундан киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар божхона тўловларига ёки ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви)даги маълумотларга таъсир этадиган ҳолатлар мустасно.

Божхона органи БЮДга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳақидаги асосланган хатни декларантга юбориши шарт, бундан декларант фаолияти тугатилган ҳолатлар мустасно.

## 3-§. Декларантнинг мурожаатига асосан БЮДни қайтариб олиш ёки бекор қилиш

39. Декларантнинг аризаси билан БЮДни бекор қилиш фақат битта товар юзасидан бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

40. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, олиб чиқиладиган товарларга доир БЮД ушбу товарларни олиб чиқишга рухсат берилганидан кейин ҳам, лекин улар амалда олиб чиқилганига қадар қайтариб олинishi мумкин, мазкур Низомнинг 24-банди учинчи хатбошисидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

41. БЮД расмийлаштирилгандан кейин уни қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун декларант БЮД рўйхатга олинган божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ариза билан мурожаат қилади.

42. Агар аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни қайтариб олиш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд деб топилса, уч иш кунини давомида ДБҚнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали БЮД қайтарилади ёки бекор қилинади.

Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича БЮДни бекор қилиш ёки қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни бекор қилиш ёки қайтаришни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда рад этишнинг асосланган сабаблари аризага ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

## 4-§. БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш

43. Расмийлаштирилган БЮДни божхона органи ташаббуси билан бекор қилиш мазкур Низомнинг 8-банди бешинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

44. БЮД юзасидан ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, бу бўйича иш суд ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинмаган бўлса мазкур БЮДни бекор қилиш тақиқланади.

## РЕКЛАМА



## «КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини  
ЎЗБЕЎТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Т.А.Тўрамоҳаммад кўч., 1/1.

Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz. web: www.norma.uz



45. Битта товар юзасидан такроран бир нечта БЮД қабул қилинган ҳолати аниқланганда, божхона органи бу ҳақда декларант ва (ёки) декларацияловчи шахсни хабардор қилади, зарур ҳолларда божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат юборади.

Декларант ёки декларацияловчи шахс божхона органининг хатини олгандан сўнг беш кун ичида аниқланган ҳолат бўйича тушунтириш бериши шарт.

46. Мазкур Низомнинг 8-банди бешинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар тасдиқланган ҳолларда БЮД божхона органи томонидан бекор қилинади ва бу ҳақда декларант ёки декларацияловчи шахс хабардор этилади.

## **II БЎЛИМ. ҚОҒОЗ ШАКЛДАГИ БЮДГА ЎЗГАРТИРИШ ВА (ЁКИ) ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

### **4-БОБ. РЎЙХАТГА ОЛИНИБ, РАСМИЙЛАШТИРИЛМАГАН ҚОҒОЗ ШАКЛДАГИ БЮДГА ЎЗГАРТИРИШ ВА (ЁКИ) ҚЎШИМЧА КИРИТИШ, УНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

#### **1-§. Декларант ёки декларацияловчи шахснинг мурожаатига асосан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш**

47. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи–тўртинчи ва ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

48. БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳолларда тақиқланади.

49. БЮД божхона органида рўйхатга олингандан сўнг, БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш зарурати юзага келганда декларант ёки декларацияловчи шахс БЮД рўйхатга олинган божхона органига мурожаат қилади.

Мурожаатда БЮДнинг божхона органида рўйхатга олинган рақами, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритишнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

50. БЮДга ўзгартириш киритиш БЮДнинг барча нусхаларидаги тегишли графалари матнини «Х» белгиси билан ўчириш ва янги матнни ёзиш, қўшимча киритиш эса тегишли графага қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан амалга оширилади. БЮДнинг ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилиши лозим бўлган графаларида ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни киритиш учун етарли жой бўлмаган тақдирда, киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимча ҳақидаги ёзув БЮДнинг орқа томонига қайд қилинади.

Бунда БЮД нусхаларининг орқа томонида ким томонидан, қачон, нимага асосланиб, қайси графада ва нима

ўзгартирилганлиги ҳақида ёзув қайд қилинади. Ёзув ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритган декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

51. БЮДнинг фақат божхона органи ходими томонидан тўлдириладиган графаларидаги ёзувларга ўзгартириш киритиш зарур бўлган тақдирда, ўзгартириш киритиш божхона органи ходими томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

52. БЮДга киритилган ўзгартиришларнинг умумий сони (тўлдириш вақтида декларацияловчи шахс томонидан киритилган ўзгартиришлар билан бирга) тўрттадан ошган тақдирда, БЮДнинг ўрнига хато ва (ёки) камчиликлари бартараф этилган янги БЮД тақдим этилади.

53. БЮД рўйхатга олинган кундан эътиборан беш кун ичида ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритилмаса ёхуд унинг ўрнига хато ва (ёки) камчиликлари бартараф этилган янги БЮД тақдим этилмаса – божхона органи БЮДни бекор қилади, бундан мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

#### **2-§. Божхона органи ташаббуси билан БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш**

54. Рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮДга божхона органи ташаббуси билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи–тўртинчи ҳамда ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

55. Мазкур Низомнинг 10-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тақиқланади.

56. Божхона органи томонидан БЮДда хато ва камчиликлар аниқланганда бу ҳақда божхона органи декларант ёки декларацияловчи шахсни хабардор қилади. Бунда божхона органи ходими декларант ёки декларацияловчи шахсга БЮДдаги хато ва камчиликлар тўғрисида аниқ маълумот бериши шарт.

57. Рўйхатга олинган БЮДга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар мазкур Низомнинг 50-53-бандларига мувофиқ тартибда киритилади.

#### **3-§. Декларантнинг мурожаати асосида БЮДни қайтариб олиш**

58. Божхона органи декларант томонидан кўрсатилган сабабларни асосли деб топса, рўйхатга олиниб, расмийлаштирилмаган БЮД декларант томонидан қайтариб олиниши мумкин.

59. БЮДни қайтариб олиш мазкур Низомнинг 24-бандида назарда тутилган ҳолларда тақиқланади.

60. БЮД рўйхатга олингандан кейин уни қайтариб олиш учун декларант БЮД рўйхатга олинган божхона органига ариза билан мурожаат қилади.

Божхона органи аризани кўриб чиқиш натижасида БЮДни қайтариб олиш учун асослар мавжуд эмас деб топса, БЮДни қайтаришни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолатларда



СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ  
ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

1 МАРТ<sup>6</sup>

2019 йил учун фойда солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни  
(Солиқ кодекси, 339-модда, 5-қисм, 2-банд; 340-модда; 480-модда)

## 5 МАРТ

2020 йилнинг февраль ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 390-модда, 2-қисм)

банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фойзалар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинган фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 355-модда, 2-қисм, 1-банд)

## 9 МАРТ

2020 йил март ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига қирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни<sup>1</sup>

(Солиқ кодекси, 432-модда, 1-қисм)

## 10 МАРТ

2020 йил март ойи учун айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловларни йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан эса йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 417-модда, 6-қисм)

2020 йилнинг февраль ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 292, 293-моддалар)

2020 йил февраль ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 133-модда, 12-қисм)

## ЭЪЛОН

## «ЖАВОБ БЕРАМИЗ»

## ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [portm.uz](http://portm.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал [portm.uz](http://portm.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишида жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



## 2020 ЙИЛ МАРТ

Д	С	Ч	П	Ш	Ж	Я
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

14 МАРТ<sup>6</sup>

2019 йил учун юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари томонидан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мuddатлари тўғрисидаги Низомнинг 3-банди)

2020 йил февраль ойи учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этаётган ходимлар реестрини тақдим этишнинг сўнгги куни

(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юртимиз тартиби тўғрисида Низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова)

15 МАРТ<sup>6</sup>

2019 йил учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг сўнгги куни

(942-сон Низомнинг 1-банди)

2019 йил декабрь ойи учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлов тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда 4 ва 5-қисмлар; 942-сон Низомнинг 1-банди)

2019 йилнинг IV чораги учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар; 942-сон Низомнинг 1-банди)

2019 йил учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни<sup>4</sup>

(Солиқ кодекси, 447-модда, 3-қисм; 448-модда, 5-қисм; 942-сон Низомнинг 1-банди)

2019 йил учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 417-модда, 2 ва 8-қисмлар; 942-сон Низомнинг 1-банди)

вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2019 йилнинг IV чораги учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва 2019 йилнинг декабрь ойи учун, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан эса 2019 йилнинг IV чораги учун ягона солиқ тўловини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 470-модда, 3 ва 4-қисмлар; 942-сон Низомнинг 1-банди)

2020 йил февраль ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда 4 ва 5-қисмлар)

2020 йил февраль ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда ЖШДС тўлашни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширадилар

(Солиқ кодекси, 392-модда, 1 ва 2-қисмлар)

12-бетда



# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

11-бетда **20** МАРТ

**2020 йил февраль ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 273-модда, 1 ва 2-қисмлар)

**2020 йил март ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар – айланмадан олинadиган солиқни тўламайдиган солиқ тўловчилар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорда тўлашнинг сўнгги куни**

**2020 йил февраль ойи учун солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган юридик шахслар – айланмадан олинadиган солиқни тўламайдиган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг I чораги учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорда тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 448-модда, 1, 3 ва 7-қисмлар)

**2020 йил февраль ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинadиган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади**

(Солиқ кодекси, 355-модда, 1 ва 2-қисмлар)

**2020 йил февраль ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар)

**2020 йил февраль ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фойзалардан олинadиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендларни ва фойзаларни тўлаш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланади**

(Солиқ кодекси, 345-модда, 5 ва 6-қисмлар)

## 23 МАРТ<sup>6</sup>

**2020 йил март ойи учун жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни<sup>5</sup>**

(Солиқ кодекси, 340-модда, 2, 7 ва 8-қисмлар)

## 24 МАРТ

**2019 йил учун Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ЎзР норезиденти бўлган юридик шахслар томонидан ҳисобланган ва амалда тўланган даромадларнинг суммалари ҳамда ушлаб қолинган ЖШДС ва ижтимоий солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва ушбу солиқларни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 407-модда, 4-қисм)

## 25 МАРТ

**2019 йил учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари томонидан йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг сўнгги куни**

(942-сон Низомнинг 2-банди)

**2019 йил декабрь ойи учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари томонидан ЖШДС ва ЯИТ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни<sup>3</sup>**

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда, 4 ва 5-қисмлар; 942-сон Низомнинг 2-банди)

**2019 йилнинг IV чораги учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар; 942-сон Низомнинг 2-банди)

**2019 йил учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 447-модда, 3-қисм; 448-модда, 5-қисм; 942-сон Низомнинг 2-банди)

**2019 йил учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари томонидан мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 417-модда, 2 ва 8-қисмлар; 942-сон Низомнинг 2-банди)

**2019 йилнинг IV чораги учун хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари томонидан ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва 2019 йилнинг декабрь ойи учун солиқни тўлаш, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан эса 2019 йилнинг IV чораги учун солиқни тўлашнинг сўнгги куни**

(Солиқ кодекси, 470-модда, 3 ва 4-қисмлар; 942-сон Низомнинг 1-банди)

**2020 йилнинг февраль ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни**

(АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлаш шартлари ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди)

<sup>1</sup> Айланмадан солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорда, ҳар чорак биринчи ойининг 10-кунигача тўланади.

<sup>2</sup>Қуйидагилар:

йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа корхоналар;

йиллик молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмай тақдим этадиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралга қадар тақдим этадиган қолган юридик шахслар бундан мустасно.


<sup>3</sup>Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга ошираётган ЎзР норезидентлари бўлган юридик шахслар бундан мустасно.

<sup>4</sup>Солиқни йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача тўлайдиган қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган ЎзР норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

<sup>5</sup>Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташкил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошириб кетиши содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

<sup>6</sup>Муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.



**!** Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси ва «Нотта» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Нотта» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.



## ТЕМИР-ТЕРСАККА ТОПШИРИШ КЕРАК

**?** *Автомобил воситасини ундан чиқадиган темир-терсақларни йиғиш бўйича махсус ташкилотга топширмасдан туриб корхона балансидан чиқариш мумкинми?*

– Йўқ, мумкин эмас.

Асосий воситалар қийматини тугатиш муносабати билан уларни балансдан ҳисобдан чиқариш тартиби Низомнинг (АВ-4а-сон шакл) 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-параграфидан белгиланган.

Комиссия томонидан транспорт воситаларини тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор натижалари транспорт воситаларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ-4а-сон шакл) (1401-сон Низомга 2-илова) билан расмийлаштирилади. Далолатноманинг бир нусхаси асосий воситалар объектларининг сақланиши учун жавобгар бўлган шахсда қолиб, ҳисобдан чиқариш натижасида қолган моддий бой-

ликлар ёки темир-терсақни оморга топшириш ва сотиш учун асос бўлади (1401-сон Низомнинг 11-банди).

Темир-терсақка топшириш масалалари Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 6.06.2018 йилдаги 425-сон қарорига 1-илова) билан тартибга солинади.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ юридик шахсларда ҳосил бўлган темир-терсақ бўлаклари «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ корхоналарига топширилиши шарт.

Мазкур талабларга риоя этилмаганлик учун металл парчаларини топширишдан оқоз этмаган ҳолда иктисодий санкциялар қўлланилиши назарда тутилган.

**Изоҳ:** Транспорт воситасини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан биргаликда ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам тақдим қилинади.

## МАҚСАДЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ

**?** *Давлат унитар корхонамиз (ДУК) умумбелгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади. Ташкилот фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Уставимизга биноан ҳўжсалик юритувчи субъектларга пуллик хизматлар кўрсатамиз. Бюджетдан ташқари жамғармалардан келиб тушган ва сарфланган маблағлар Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-сон шакл) акс эттириладими?*

– Йўқ, мақсадли фойдаланиш сметаларига мувофиқ келиб тушган ва сарфланган маблағлар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклида (2-илова, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) акс эттирилмайди.

Молиявий ҳисоботларни тўлдирish тартиби Қоидаларда (7-илова, АВ томонидан 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) келтирилган. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда корхоналарнинг транзит счётларда акс эттирилган харажатлари кўрсатилади (Йўриқноманинг 5-банди, АВ томонидан 23.10.2000 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-илова).

Мақсадли молиялаштириш маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, шунингдек аъзолик бадаллари ва мақсадли йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа қайтарилмайдиган маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8810-«Грантлар»;

8820-«Субсидиялар»;  
8830-«Аъзолик бадаллари»;  
8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари»;  
8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» (Йўриқноманинг 363-банди).

Ушбу мақсадли тушумларни корхонанинг хусусий капитали сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;  
б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;  
в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги (Йўриқноманинг 364-банди).

Бинобарин, бундай маблағлар корхона харажатлари деб эътироф этилмайди ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди.



## ВАУЧЕР БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИ

**?** *Корхонамиз чакана савдо билан шуғулланади ва умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Харидорларга товарлар олиш ҳўқуқи тақдим этиладиган совга сертификатларини (ваучерларини) чиқаришни режалаштиряймиз. Сертификатларни тайёрлаш учун бир бирликка 4 340 сўмдан ҳўқ тўлаймиз. Ушбу сертификатларни бир бирлик учун 100 000 сўмдан сотамиз. Янги тахрирдаги СКда ёзилишича, сертификатнинг ўзини сотишда реализация қилиш акс эттирилади ва ҚҚС ҳисобланади.*

*Сертификат эгаси бизга келиб сертификатни товарга айирбошлагандан кейин унда мулкчилик ҳўқуқи пайдо бўладиган муайян товарни реализация қилиш қандай ҳисобга олинади?*

*Ваучер бўйича операциялар қандай проводкалар билан акс эттирилади?*

– Солик солиш мақсадларида ваучер деганда товарларни (хизматларни) олишга ҳўқуқ берувчи сертификат (ҳўжжат) тушунилади. Ваучерларни реализация қилиш ёки бепул бериш товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади (СК 239-м. 5-қ.).

### Эксперт фикри

Ваучерларни реализация қилиш чоғида корхонада уларда кўрсатилган суммада кредиторлик қарзи (олинган бўнақлар) ҳосил бўлади. Ваучер бўйича олинган бўнақ тўловларини ҳисобга олиш учун 6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётга субсчёт, масалан, 6312-счётни очилиши тақлиф этамиз. Ваучер эгасига товарларни (хизматларни) тақдим этиши орқали қарз сўндирилади.

**МИСОЛ.** Ваучер бланкасини тайёрлаш қиймати 4 340 сўмга (ҚҚСсиз), ваучер бўйича реализация қилиш қиймати 115 000 сўмга, шу жумладан ҚҚС 15 000 сўмга тенг.

Товарларни ваучер бўйича ҳисобга олиш ва реализация қилишига доир проводкалар қуйидагича бўлади:

Ҳўжсалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
	дебет	кредит	
Ваучерлар бланкалари харидорларга беришда ҳисобдан чиқарилди	9410-«Сотиш харажатлари»	1090-«Бошқа материаллар»	4 340
Ўтказиб берувчидан олинган ваучер бланкалари ҳисобга олинди	1090-«Бошқа материаллар»	6010-«Мол ўтказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	4 340
Ваучер бланкаларини тайёрлаш учун маблағлар ҳисобга олинди	6010-«Мол ўтказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	4 340
Ваучер реализация қилинган санада:			
Реализация қилинган ваучерлар, харидорлардан келиб тушган пул маблағлари ҳисобга олинди	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» / 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6312	115 000
Реализация қилинган ваучерларга тўғри келадиган ҚҚС ҳисобланди	6312	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	15 000
Товарлар харидорга берилган санада:			
Ваучер ҳисобига товар реализация қилинди (товар қиймати – 115 минг сўм, шу жумладан ҚҚС – 15 минг сўм)	6312	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»	100 000
Реализация қилинган товар таннархи акс эттирилди	9120-«Сотилган товарларнинг таннархи»	2920-«Чакана савдодаги товарлар»	товар таннархи

Замира ЖўРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

12–13 февраль кунлари Европа Иттифоки – Марказий Осиё Атроф муҳит ва иқлим ўзгаришига доир ишчи гуруҳининг 9-мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Марказий Осиё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон) давлат органлари, ЕИга аъзо давлатлар, ЕИ институтлари, халқаро ва минтақавий ҳамкорлар, халқаро молиявий муассасалар, фуқаролик жамиятининг 100 дан ортиқ вакиллари, шунингдек Марказий Осиёдан бўлган эксперт ва журналистлар иштирок этди. Улар каторида газетамизнинг махсус муҳбири Гулнора Абдуназарова ҳам бор эди. Брюсселда бўлиб ўтган учрашув Тошкентдаги ЕИ–МО атроф муҳит ва сув ресурслари соҳасида ҳамкорлик бўйича юқори даражадаги 6-конференциядан кейинги биринчи тадбирдир.

Мажлис кун тартибидоги масалалар кўлами ва кенг қамровиллиги билан ажралиб турди, диққат марказида – ёпиқ циклдоги иқтисодийни ривожлантириш, «Европанинг яшил харакати»ни амалга ошириш, атроф муҳит, иқлим ва сув ресурслари барқарорлигини ошириш ва бошқа масалалар бўлди.

Бир қарашда, Европа Иттифоки билан бизнинг минтақа муаммоларининг қандай алоқадорлиги бор, деган савол туғилиши мумкин. Ваҳоланки, глобал муаммоларнинг ўзига хос томони ҳам шунда-да – ҳеч бир мамлакат уларни мустақил тарзда ҳал эта олмайди. Бизнинг табиий муҳит китъа экологик тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда антропоген иқлим ўзгаришини бартараф этиш, биологик хилмаҳил-

Унинг таъкидлашича, Европа Иттифоки Марказий Осиё давлатларининг Орол денгизи қуришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини енгилаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлар экан, Ўзбекистонда Орол бўйи минтақаси учун БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича Кўп томонлама ҳамкорлик траст жамғармаси лойиҳаларини амалга оширишга 5 млн евро ажратди.

Марказий Осиёда радиоактив чиқиндилар энг аянчли муаммолардан ҳисобланади, улар бутун минтақа учун жиддий хатарга эга. БМТнинг маълумотларига кўра, бу ерда қарийб 800 млн тонна радиоактив ва токсик чиқиндилар мавжуд. Ҳимоя саркофаги муттасил тарзда сув билан ювилиб турган Майли-Сув уран сақла-



## Европа ташаббусининг яшил нуктаси

Мажлис сессияларидан бири ЕИнинг атроф муҳитга доир сиёсатидаги охирги ўзгаришларга бағишланди. Дарвоқе, унинг кўлами ниҳоятда кенг. «Европанинг яшил харакати» – Европа Иттифоки иқтисодий ислохотларининг мисли кўрилмаган дастури бўлиб, у иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва экологик вазиятни яхшилашга қаратилгандир. Бу саъй-ҳаракатларнинг шунчаки баённомаси эмас. Уни амалга ошириш учун муайян чора-тадбирларнинг «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Европанинг яшил ташаббуси тараккий этган, ижтимоий фаровон ва экологик барқарор иқтисодиётга ўтишни режалаштиришнинг ўзига хос «амалий» йўриқномаси, глобал дастуриламалга айланиб бормоқда.

Ёдингизда бўлса, 15-10 йил олдин бизда қайта тикланадиган энергия манбалари ҳақида жўяли гап айтиш, ёки, дейлик, бугун Тошкент кўчаларида ҳаракатланаётган электроавтобуслар тўғрисида ҳаёл суриш тасаввуримизга сиғмасди. Бугун эса қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самардорлигини ошириш – 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг (4.10.2019-йилдаги ПҚ-4477-сон қарор) устувор вазифаларидан биридир.

«Европанинг яшил харакати» – Европа Иттифокининг яқин йиллар учун асосий устуворлигидир, – деди **Европа Комиссиясининг атроф муҳитга доир Бош директоратининг глобал барқарор ривожланиш бўйича директори Астрид Шомакер хоним.** – Мазкур устуворлик замонавий, ресурс тежовчи ва рақобатбардош иқтисодиётларни ривожлантириш йўлида бизнинг иқтисодий тизимларимиз ва жамиятимиздаги туб ислохотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. 2050 йилга бориб,

компенсацион тадбирларни амалга ошириш эвазига ажратмалар ҳажми ва иссиқхона газлари ўртасида балансга эга бўлинади, ЕИнинг табиий бойлиги ҳимояга олинади ва кўпаяди, иқтисодий ўсиш эса фақатгина ресурслардан фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолмайди. Натижада – фуқароларнинг саломатлиги ва фаровонлиги сақлаб қолинади, атроф муҳит муҳофазаси таъминланади.

Европани тараккий эттиришнинг мазкур янги стратегияси экологик муаммоларни янги имкониятларга айлантиришга қаратилгандир. Лекин Европа бу вазифани бир ўзи удалай олмайди, – таъкидлади Шомакер хоним. – Биз халқаро шериклар билан узвий ҳамкорлик қилишимиз керак. ЕИ МО мамлакатларида мавжуд бўлган кучли салоҳиятни эътироф этади, ўз иқтисодиётларини барқарор ривожлантиришда улар дуч келадиган муҳим муаммоларни тушунади ҳамда атроф муҳит, иқлим ва сув ресурслари барқарорлигини ошириш учун имкон қадар экологик усуллар йўлидан боришда уларга ёрдам беради.

2019 йилнинг июнида Европа парламенти ва Кенгаши ЕИнинг Марказий Осиёга нисбатан янги Стратегиясини эълон қилди ҳамда «ЕИ ва Марказий Осиё: янада мустақкам ҳамкорлик бўйича янги имкониятлар» Қўшма коммюникесини қабул қилди. Стратегия ўзаро боғлиқ бўлган 3 та устуворликни ўз ичига олади: «Барқарорлик учун ҳамкорлик», «Таракқиёт учун ҳамкорлик» ҳамда «Биргаликда яхшироқ ишлаш».

«Барқарорлик учун ҳамкорлик» устуворлиги таркибига атроф муҳит, иқлим ва сув ресурслари барқарорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадлар киритилган. Мазкур янги Стратегияда юқори даражадаги экологик стандартларни қабул қилишда ЕИ Марказий Осиёни қўллаб-қувватлайди ва ишлаб чиқаришнинг линияли моделидан иқтисодиётнинг



ликни сақлаб қолиш, ифлослантирувчи моддаларни трансгегаравий олиб ўтиш ва бошқа масалаларни минтақавий харакатларни бирлаштирмай туриб давлат микёсида ҳал этиш амримаҳолдир. Бу масалаларга **ЕИнинг Марказий Осиё бўйича вакили, Элчи Петер Буриан** ўз чиқишида тўхталиб ўтди:

– Европа Иттифоки мураккаб сув, энергетик ва экологик муаммоларни самарали ҳал қилишда миллий ёндашувларнинг ўзи етарли эмаслигини минтақада тобора тушуниб етиладиганини қувватлайди. ЕИ ва МО ўртасида йўлга қўйилган конструктив ҳамкорлик ҳозирги вақтда мавжуд глобал ва минтақавий муаммоларни, шу жумладан иқлим ўзгаришига кучли таъсир кўрсатишни ҳал этишга қаратилган.

гичининг ҳолати туфайли аҳоли кўп яшайдиган Фарғона водийсига экологик офат хавф солиб турганлиги ҳақида экспертлар бир неча йиллардан буён бонг урмоқдалар. Экологик фожанинг микёсларини тасаввур қилишнинг ўзи кишини даҳшатга солади! Уни бартараф этиш учун ЕИ минтақада уран сақлагичларини реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқди, ҳамкорлар билан биргаликда донорлик ҳисобварағи очилган, – дея таъкидлади ЕИнинг МО бўйича вакили. Ҳозирги кунда қарийб 35 млн евро инвестиция қилинган, лекин бу сумма етарли эмас. Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондаги хавфли чиқиндилар кўмилган жойларни тозалашнинг бошланғич босқичдаги ишлари учун тахминан 80 млн евро керак бўлади.



циклдаги жараёнига ўтишни рағбатлантиради, дейилади. Ёпик циклдаги иктисодиётда энергия ва ресурслардан фойдаланиш самардорлиги оширилади, чикинди ва ажратмалар салмоғи эса камайти-

рилади. Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқаришга нисбатан бундай ёндашув янги корхоналарни ташкил этган ва иктисодий ўсишни рағбатлантирган ҳолда улкан самара келтириши мумкин.

### Марказий Осиё манфаатларидан келиб чиқиб

Марказий Осиё мамлакатлари делегациясининг раҳбарлари табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш соҳасидаги сиёсатнинг ҳозирги ҳолати ва тараққиёт истиқболлари ҳақида, глобал иқлим ўзгариши Марказий Осиё учун етказилган мавжуд ва келгусидаги хатарлар тўғрисида, шунингдек чекланган сув ресурсларидан омилкорона фойдаланиш, энергия тежовчи ва табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни жорий этиш ҳақида сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг атроф мухит инфо-рмациясини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармасининг бошлиғи Тўлаған Абдулғозиев мажлис иштирокчиларини атроф мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан омилкорона фойдаланиш ҳамда мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилашни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатимиз хусусида ахборот берди.

Республикаимизда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш концепцияси (30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармонга 1-

садида 2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси тасдиқланди (17.04.2019 йилдаги ПҚ-4291-сон қарорга 1-илова).

Биологик хилмахилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, хайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, биохилмахилликни сақлаб қолиш соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган комплекс чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида Ҳукумат 2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилмахилликни сақлаш стратегиясини (ВМнинг 11.06.2019 йилдаги 484-сон қарорига 1-илова) тасдиқлади.

Мазкур ҳужжатда, хусусан, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизига етказиш; Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлаштириш ишларини олиб бо-

тишда муҳофаза қўчатларини экиш қўл келмоқда. 2018–2019 йиллар даврида Орол денгизининг қуриган тубида 461 минг гектар майдонга қўчатлар экилди, 2020 йилда эса қўчат экиладиган майдонлар ҳажми 700 минг гектарга етказиш режалаштирилган.

Т.Абдулғозиев «Оролбўйи – экологик инновациялар ва технологиялар» Концепцияси ҳақида гапириб берди, унга кўра, экологик ва инсон инқирозини эслатувчи Орол денгизи хавза-

си ҳудудини экология соҳасидаги инновациялар ва технологиялар ҳамда яшил иқтисодиёт тамойиллари асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланаётган ҳудудга айлантириш бўйича стратегик йўналиш ва ҳаракатлар режаси таклиф этилди.

Маърузасининг якунида нотик ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янги Стратегияси доирасида ЕИ ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлигига доир бир қатор таклифларни илгари сурди.



### Платформага таяниб...

Атроф мухит ва сув ресурслари соҳасида ҳамкорлик платформаси 2009 йили Рим шаҳрида (Италия) ЕИ–МОНинг юқори даражадаги конференциясида ташкил этилган эди. Платформа ЕИнинг Марказий Осиё бўйича Стратегиясининг бир қисми ҳисобланган Атроф мухит ва сув бўйича ташаббусини амалга ошириш учун ҳадли асос вазифасини бажаради.

Италия Атроф мухит, ер ва денгиз ресурслари вазирлиги бошчилиги қилиб келадиган ЕИ–МОНинг Атроф мухит ва иқлим ўзгаришига доир ишчи гуруҳи минтақавий даражада, шунингдек ЕИ ва МО давлатлари ўртасида сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш орқали Платформани қўллаб-қувватлайди ҳамда ЕИ ва МОНинг атроф мухит ва иқлим ўзгариши соҳасида минтақавий ҳамкорлик устуворликларини белгилашга ёрдам беради. Ўтган давр мобайнида охиригиси билан қўшганда Ишчи гуруҳнинг 9 та мажлиси бўлиб ўтди.

\*\*\*

Ишчи гуруҳнинг 9-мажлиси якунлари ЕИ ва МО давлатлари ўртасидаги атроф мухит ва иқлим ўзгаришига доир ҳамкорлик кенгайтганини кўрсати ҳамда ишонч билан айтиш мумкинки, бу ҳамкорлик стратегик шерикчиликнинг янги даражасига кўтарилди. МОга тааллуқли муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва турли хил минтақавий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлик истиқболли эканлигига далolat қилади.

Суратлар ЕИнинг WECOOP лойиҳаси томонидан тақдим этилган.



илова) қабул қилинган. Ҳужжатда атроф мухит объектларини (атмосфера хавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилмахиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлашнинг узоқ муддатли тадбирлари назарда тутилган.

Қаттиқ майший чикиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф мухитга зарарли таъсирини бартараф қилиш мақ-

риш ва унинг майдонини 1,2 млн гектарга етказиш; давлат қўриқоналаридаги эталон экотизимларда биохилмахиллик компонентлари учун мониторинг олиб боришнинг марказий бўғинли ягона тизимини яратиш; биохилмахилликни сақлаб қолиш масалаларини иктисодиётнинг барча тармоқларига интеграциялаш ва бошқа устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутди.

Туз-чанг кўчишига қарши курашишнинг самарали усули ва минтақанинг экологик ҳолатини юмша-



# ВАЛЮТА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: ИМПОРТ-ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИГА ТАЪСИР КЎРСАТИБ...

Валюта сиёсатини либераллаштириш ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим шарт ҳисобланади. Ўзбекистонда бир неча йил аввал валюта конвертацияси жараёнида бир гуруҳ инвестор-импортёрлар, йирик лойиҳалар ташаббускорларигина имтиёз ҳамда преференциялардан фойдаланиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Умуман олганда, валюта чекловлари ташқи иқтисодий фаолиятга, жумладан экспортни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда экспортёрлар чет эл валютасида фойда кўришга ишонмасдан, тушумларини тижорат банкларига миллий валютанинг расмий курсида топширмаликка ҳаракат қилишар эди. 2017 йил 2 сентябрда Президентимизнинг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармони эълон қилинди ва барча инвесторлар учун бир хил шароит яратилди.

Сўнгги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Маълумки, бир неча йил олдин амалиётда ташқи савдо қатнашчиларининг маблағларини хорижий валютага конвертация қилишда ортиқча маъмурий тўсиқлар мавжудлиги бизнес юритишда тенг бўлмаган шароитларнинг вужудга келиши ва рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келган ва параллел чет эл валютаси бозори ҳамда айирбошлаш курси вужудга келганди.

Валюта курси сиёсатининг ташқи савдонинг рағбатлантиришга доир ролининг сусайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини пасайтирганди.

2017–2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармонга 1-илова) белгиланган валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этишга доир вазибаларни рўйбга чиқариш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди. ПФ-5177-сон Фармон билан инвесторлар учун бир хил шароитлар яратилди. Хусусан, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга тўсиқлик қилаётган муаммо ҳамда камчиликлар ва валютани тартибга солишда ортиқча маъмурий аралашувларга барҳам беришга доир амалий саъй-ҳаракатлар бошланди. Бозор механизмлари асосида фаолият

кўрсатадиган валюта бозорини шакллантириш, юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасининг жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланди.

Фармонга кўра, юридик шахслар ўш маблағларини банкларда товар, иш ҳамда хизматлар импорти, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо хусусиятига эга бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкин бўлди. Ваҳоланки, илгари амалиётда валюта алмаштиришда бир-биридан кескин тафовут қиладиган давлат, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо ҳамда биржа курслари вужудга келганди. Қолаверса, конвертация масаласида айрим тадбиркорлик субъектлари имтиёзга эга бўлган ҳолда, бошқа тадбиркорларнинг ушбу масалада турли чекловлар, узоқ муддатли кутишлар ва бошқа сарсонгарчиликларга дуч келиши қатор муаммоларни келтириб чиқарган эди. Фармон эълон қилинганидан кейин эса жисмоний шахслар ҳам тижорат банкларининг конверсион бўлимида чет эл валютасини эркин сотиб олиши, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиши мумкин бўлди.

Мулкчилик шакли ёки экспорт қилинаётган маҳсулот туридан қатъий назар, барча экспортчи ташкилотлар учун валюта тушумини мажбурий сотиш талабининг бутунлай бекор қилиниши экспорт соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, экспортчи корхоналар эндиликда ўзларининг чет эл валютасидаги даромадларини ўз хоҳишига кўра, тўлиқ эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Барча ташқи савдо қатнашчиларига адолатлилик тамойили асосида тенг шароитлар яратиб берилди

ҳамда чет эллик барча инвесторларга эшиклар кенг очиб берилди. Бу эса, ўз навбатида, замонавий технология ҳамда жиҳозларни олиб келиш, инвесторларга кафолатли ҳуқуқий-ташқилий ва молиявий механизмларни, жумладан, бозор талаблари асосида шаклландирилган валюта сиёсатини ҳаётга жорий қилиш, иқтисодиётнинг шаффоғлигини ошириш учун замин яратди.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда миллий валютага бўлган ишончнинг кучайтиришга қаратилган қатор нормалар ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, кейинги йилларда айрим товар ва хизматларни (автомобиллар, авиачипталар ҳамда бошқалар) республика ҳудудида чет эл валютасига сотиш амалиёти тадбиркорлар ва аҳолига ноқулайликлар яратиб, уларнинг эътирозига сабаб бўлаётганлиги муносабати билан бундан буён республика ҳудудида барча товар ҳамда хизматлар учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар, давлат божларининг ундирилиши, товар ҳамда хизматлар нарҳларининг белгиланиши фақат миллий валютада амалга ошириладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Фармон:

- валюта курсларини унификация

қилиш ҳамда валюта ресурсларини бозор тамойиллари асосида тақсимлаш имкониятини берди;

- Ўзбекистон Марказий банкига барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва инфляцияни самарали назорат қилишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини олиб боришга имконият яратди;

- иқтисодиётнинг ташқи рақобатдошлигини оширди, хорижий инвестицияларни бевосита жалб қилиш ҳамда ички ресурсларни тақсимлашни такомиллаштириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишга имкон берди. Хорижий инвесторларнинг сармоя киритишга ишончини мустаҳкамлади;

- валюта бозорини либераллаштириш жараёнида давлат иқтисодий сиёсати устувор йўналишларининг тўлиқ ижроси таъминланишида барча ташқи савдо фаолияти қатнашчиларига тенг шароит яратди;

- миллий валютаимизнинг мавқеини кучайтирди, унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладди;

- мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини оширишга хизмат қилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳилола ШАРИПОВА,

Тошкент Давлат юридик университети 1-босқич докторанти.



ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

## ШУБҲАЛИ, ОЛМА!

Одатда, хориждан келтирилган мева-сабзавотларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтган-ўтмаганига кўп ҳам қизиқвермаймиз. Аслида эса бу жуда ҳам муҳим.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ходимлари 1,2 млрд сўмлик қарийб 148 тонна ноқонуний импорт қилинаётган олманинг йўлига ғов бўлишди. Текширувда ушбу маҳсулотларнинг экспорт божхона декларацияси мавжуд эмаслиги, келиб чиқиш сертификати ҳам шубҳали эканлиги аниқланди.

Қоида бўйича республикамизга хориждан келтирилаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини божхонада расмийлаштириш учун санитария-эпидемиологик хулоса, карантин руҳсатномаси талаб этилади ва улар карантин кўригидан ўтказилади. Акс ҳолда тегишли кўрикдан ўтказилмаган маҳсулотлар нафақат юртимизнинг ўсимликлар оламига, балки юртдошларимиз саломатлигига ҳам зиён етказиши мумкин.

Ўтказилган кўрик давомида ушбу олмалар аслида қўшни мамлакатда эмас, балки Эронда етиштирилганлиги аниқланди. Муқаддам юртимиздан транзит тарзида чегарадош давлатга олиб ўтилган бу меваларни кейинчалик қўшни мамлакатнинг товари сифатида қайта олиб кириш режалаштирилган эди. Бу орқали юк эгалари божхона тўловларидан 657 млн сўмлик имтиёزلарни кўлға қиритмоқчи бўлишган.

Мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилган.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

<p><b>СОЛИК ҶАХОНДА</b> <b>БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович</b> <b>ҚУРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир Уринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович</b> <b>АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья</b> <b>БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> <p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма r-315. Адади 810. Газета 2020 йил 2 март соат 15.00 да топширилди.</p>
--	---	--	---